ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББАРОВА АНОРА ЖАВЛИЕВНА

АНТРОПОЦЕНТРИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01. – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Жиззах – 2022

УЎК 811.512.133’373.7

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по филологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological sciences

Жаббарова Анора Жавлиевна
Антропоцентрик фразеологик бирликларнинг лингвопрагматик тадқиқи 3

Жаббарова Анора Жавлиевна
Лингвопрагматическое исследование антропоцентрическое фразеологических единиц 25

Jabbarova Anora Javlievna
Linguopragmatic Study of Anthropocentric Phraseological Units 49

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 53

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЖАББАРОВА АНОРА ЖАВЛИЕВНА

АНТРОПОЦЕНТРИК ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ ЛИНГВОПРАГМАТИК ТАДҚИҚИ

10.00.01. – Ўзбек тили

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Жиззах – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/Fil1409 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Жиззах давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб–саҳифаси (jspi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Маматов Абдугафур Эшонкулович** филология фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Жўраева Бибиш Мухсиновна** филология фанлари доктори, доцент
	Хайруллаев Хуршид Зайниддинович филология фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Фарғона давлат университети**

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Fil.113.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «22» август соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси. 4.Тел.: (872) 226–13–57, 226–21–73, факс: (872) 226–46–56; e–mail: jspi info@umail.uz Жиззах давлат педагогика университети. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали).

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (31 –рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов шоҳ кўчаси. 4.Тел.: (872) 226–13–57; 226–21–73 факс: (872) 226–46–56.

Диссертация автореферати 2022 йил «9» август куни тарқатилди.
(2022 йил «9» август да 15 –рақамли реестр баённомаси).

У.А.Жуманазаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
филол.ф.д., профессор

Ф.Э.Ибрагимова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филол.ф.н., доцент

У.Қосимов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси,
филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида тил бирликлари лексик, семантик ва грамматик жараёнларда, шу билан бирга, инсон тафаккури ва психологияси, муайян миллат маданияти ва урф-одатлари муносабатида тил ҳодисаларини тадқиқ этиш маданий тилшунослик, этнолингвистика, психолингвистика, когнитив тилшунослик каби билимлар доирасида амалга оширилмоқда. Тил илмида антропоцентрик йўналишлар доирасида намоён бўладиган ва нутқ жараёнида фаоллашадиган коннотатив, денотатив ҳамда когнитив моҳиятни намоён этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Инсоннинг эмотив-ҳиссиётларини тавсифловчи фразеологик бирликларнинг структуравий ва семантик хусусиятлари, миллий-маданий манзарасини тадқиқ этиш тилшуносликнинг муҳим вазифаларидан бири саналади.

Дунё тилшунослигида фразеологик бирликлар нутқий мулоқотнинг психологик, когнитив-семантик ва лингвопрагматик жиҳатларини намоён этадиган кўп қиррали ва кўп қатламли миллий-ментал тузилма сифатида тадқиқ этилмоқда. Фразеологик бирликлар муайян тил вакилларининг маданияти, ҳаёт тарзи, урф-одат ва дунёқарашининг ўзига хос хусусиятларини ифода этиб, олам лисоний манзарасининг лингвомаданий инъикоси сифатида уларнинг функционал-семантик хусусиятларини семантик майдон нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этиш долзарбдир. Демак тил бирликларига, хусусан, фразеологик бирликларга лингвопрагматик аспектда ёндашилганда, уларнинг моҳияти тўлароқ намоён бўлади.

Янги Ўзбекистон (ренессанс) даврида ижтимоий, иқтисодий, илмий, дипломатик каби барча жабҳаларда ўзбек тилининг эркин ривожланиши учун ҳуқуқий асослар ва амалий шароитлар яратилди. Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз[1], бинобарин, янги тараққиёт йўлидан боришда тилимизнинг маънавий меросларини тўплаш, инсон фаолияти ва фазилатларини тавсифловчи фразеологик бирликларни лингвопрагматик ва лингвокультурологик тадқиқ этиш ғоят муҳим вазифадир. Бу борада фразеологик бирликларни антропоцентризм нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, инсоннинг ҳис-туйғулари, эмотив-ҳиссиётлари сингари хусусиятларни тавсифловчи фразеологик бирликларни лингвокультурологик ўрганиш долзарблик касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақидаги Қонун қабул қилинишининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон Қарори.Lex.uz

тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4479-сон “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тилшунослигида фразеологик бирликларнинг лексик-грамматик, лексик-семантик, функционал-семантик хусусиятлари борасида салмоқли ишлар XX асрларда бошланган. Илк тадқиқотлар В.Н.Телия раҳбарлигидаги Москва фразеологик мактаби тилшунослари Ю.С.Степанов, А.Д.Арутюнова, В.В.Воробьёв, Н.Ф.Алефиренко, В.М.Шаклеин, В.А.Масловалар томонидан олиб борилган изланишлар[2] билан боғлиқ равишда пайдо бўлган.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик бирликлар назарий, структурал-грамматик, семантик-услубий, функционал-прагматик жиҳатдан тадқиқ этилди: илмий-тадқиқот ишлари[3], илмий мақолалар ва ўқув қўлланмалар[4],

---

[2] Телия В.Н. Русская фразеология: семантические, прагматические и лингвокультурологические аспекты. – Москва, Школа. «Языки русской культуры».– Т., 1996.С.-286; Алефиренко Н.Ф. Лингвокультурология. Ценностно-смысловое пространство языка. Учебное пособие –Москва, Наука. – Т., 2010. –С.21.; Маслова В.А. Лингвокультурология. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. –Москва, Изд. Центр «Академия». – Т.,2001. – С.208.; Шаклеин В.М. Лингвокультурология. Традиции и инновации. Монография –Москва, Флинта. – Т.,2012. – С.301.; Воробьёв В.В. Лингвокультурология: теория и методы. Монография. –М.:Изд.РУДН. – Т.,2008. – С.240.

[3] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1966. -Б.56; Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 1993. –Б.57; Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри. дис. ... автореф. – Т., 2000. -Б.56. Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фан. ном. дис... автореф. – Т.,1966. –Б.55; Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка: Автореф. дис. … канд.филол.наук. – Т., 1976. –Б. 51; Ҳакимов Қ. Ўзбек тилидаги содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий бирикувчанлиги: Филол.фан.ном. дис. ... автореф. – Т., 1994. – Б.57; Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар: Филол.фан.ном. дис. ...автореф. – Т., 1998. – Б.54; Искандарова Ш. Ўзбек тили лексикасини мазмуний майдон сифатида ўрганиш (*шахс микромайдони)*: Филол.фан.ном. дис. ... автореф. – Т., 1999. - Б.56; Бозорбоев К. Ўзбек сўзлашув нутқи фразеологизмлари: Филол.фан.номз.дисс...автореф. – Самарқанд,2000. – Б.52; Абдуллаев Ш. Таржима асарларида фразеологизмлар семантикаси (*Т.Қайипбергенов асарларининг ўзбекча таржимаси асосида*): Филол.фан.ном. дисс...автореф. – Т., 2006. –Б.55; Алмаматова Ш. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили: Филол.фан. номз.дис...автореф. – Т., 2008. – Б.53; Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. Филол. фан. ном. ... дис. – Т., 2009. - Б.127; Рашидова У. Ўзбек тилидаги соматик ибораларнинг семантик-прагматик таҳлили (*кўз, қўл ва юрак компонентли иборалар мисолида*): Филол.фан.фалсафа док. (PhD) дисс...автореф. - Самарқанд, 2018. – Б.51 ва бошқалар.

[4] Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Т.: Наврўз, 1996. – 54 б.; Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. – Т.: Фан, 1970. – 60 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек тилида фразеологизмларнинг услубий ва прагматик имкониятлари. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2002. – 37 б.; Маматов А. Фразеологик стилистика

фразеологик луғатлар яратилди[5]. Ш.Раҳматуллаев, А.Ҳожиев, Б.Йўлдошев, А.Маматов, Ш.Усмонова, Б.Жўраева, Ш.Алмаматова, М.Вафоева, У.Рашидова, Б.Болтаева, Ш.Ганиева, Ш.Махмараимова, З.Жумаева каби ўзбек тилшуносларининг тадқиқотларида фразеологик бирликларнинг лексик-грамматик, функционал-семантик хусусиятлари тадқиқ этилди.

Ш.Махмараимованинг "Ўзбек тили метафораларининг антропоцентрик тадқиқи (номинатив аспект)" мавзусидаги докторлик ишида метафоранинг антропоцентрик табиатига баҳо бериш, уни билишнинг алоҳида усули, оламни категорияловчи муҳим лингвокогнитив феномен экани ёритилган. Д.Худойберганованинг "Матннинг антропоцентрик тадқиқи" номли монографияси ўзбек тилидаги матнларнинг лингвокультурологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган[6]. Ш.Усмонованинг "Лингвокультурология" дарслигида тил ва маданият, лингвокультурологиянинг асосий мақсад ва вазифалари, йўналишлари, методлари, лингвомаданий бирликлар таҳлили, турли лингвомаданиятлардаги рамз ва стереотипларнинг қиёси, маданиятнинг тилдаги ўрни каби масалалар ёритилган[7]. А.Маматовнинг "Ўзбек тили фразеологияси" ўқув қўлланмасида фразеологик бирликларни ўқитишнинг лингвомаданий ва дидактик аҳамияти ҳақидаги тушунчалар изоҳланган[8]. Ушбу тадқиқотлар ўзбек фразеологиясининг баҳсли ва мунозарали жиҳатларига аниқлик киритилишига, бинобарин, бу соҳада тадқиқот кўламининг кенгайишига олиб келди.

масалалари. – Т.: Фан ва техника, 1991. –120 б.; Ғаниева Ш. Ўзбек фразеологизмларининг структур тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. – 123 б.; Шомақсудов Ш., Долимов С. Қайроқи сўзлар : (халқ иборалари) / [Нашрга тайёрловчи Д.А.Шораҳмедов]. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. –223 б.; Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Т.: Фан, 1985. –200 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. - Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 108 б.; Маматов А.Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. -Тошкент, 1991. – 274 б.; Раҳматуллаев Ш. Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. – Т., 1957. –152-182 б.; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили феъл фраземаларнинг боғлашуви. – Т., 1992. -Б.126; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари (фразеологик бирликларда полисемия,синонимия, вариация, антонимия, омонимия ва омонимлик). – Т.: Фан, 1966. – Б.264; Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек тилининг фразеологик стилистикаси. – Т.: Наврўз, 2016. – Б.198; Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. – Т.: Наврўз, 2016. –48 б. Жўраева Б. Мақолларнинг лисоний мавқеи ва маъновий-услубий қўлланилиши. НДА. Самарқанд, 2002, -11 б. Жўраева Б. Ибора ва мақолда идиомалашув // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010, 6-сон, -109 б.. Алмаматова Ш.Т. Ўзбек тили фраземаларининг компонент таҳлили. НДА. – Т., 2008. -4-18 б. Вафоева М. Ўзбек тилида фразеологик синонимлар ва уларнинг структурал-семантик таҳлили. НДА. – Т., 2009. –20 б. Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси (библиографик кўрсатгич) – Т., - 2016, –190 б. Маматов А., Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Стилистика ва прагматика (илмий конференция материаллари). 1-қисм. Самарқанд: СамДУ, 2010.-112-115 б.; Очилов Д. Фраземик моделлар таҳлили // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011, 2-сон,-84-86 б.; Рашидова У.Фразеологияда лисоний моделлаш муаммолари (соматик фразеологизмлар мисолида) // Хорижий филология (тил, адабиёт, таълим), 2011, 4-сон, 54-59 б.; Ғаниева Ш. Фразеологизмларни моделлаштириш муаммолари // Ўзбек тили ва адабиёти, 2011,5-сон. –111-113 б. ва бошқалар.

[5] Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992,-Б.375.; Содиқова М. Қисқача русча-ўзбекча барқарор иборалар луғати. – Т.,1994,-Б.228.; Йўлдошев Б.,Бозорбоев К. Ўзбек тилининг фразеологик луғати (сўзлик). – Т.,1998,-Б.327.; Маҳмудов Н., Худойберганова Д. Ўзбек тили ўхшатишларининг изоҳли луғати. – Т., 2013,-Б.278.; Маҳмудов Н., Одилов Ё. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. – Т., 2014,-Б.298. ва бошқалар.

[6]Худойберганова Д. Матннинг антропоцентрик тадқиқи. – Т.: Фан, 2013. –Б.136.

[7]Усмонова Ш. Лингвокультурология. – Т., 2019. –Б.246.

[8]Маматов.А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: Наврўз, 2019. – Б.224.

Фразеологик бирликлар ўзбек тилида структуравий ва семантик жиҳатдан етарлича ўрганилган бўлишига қарамай, инсоннинг хусусиятларини тавсифловчи бундай бирликлар, уларнинг лингвокультурологик жиҳатлари махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзуни монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жиззах давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 1-сон "Филология фанларининг долзарб муаммолари ва уларни амалиётга жорий этишнинг янги педагогик технологиялари" (2018-2020 йй) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек тилида олам лингвистик манзарасининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи антропоцентрик фразеологик бирликларнинг семантик, лингвопрагматик, лингвокультурологик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

XXI аср тилшунослигида фразеологик бирликларнинг асосий тушунчаларини таҳлил этиш ва уларни фразеологик парадигматикада ўрганиш, хусусан, тадқиқотчилар нуқтаи назарини тизимлаштириш, фразеологик бирликлар ташийдиган лексик, семантик, прагматик, стилистик, когнитив маъноларни баён қилиш;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг нутқда воқеланишини замонавий методологик тамойиллардан фойдаланган ҳолда умумлаштириш, инсон ташқи кўриниши ва ҳиссиётини ифодаловчи фразеологик бирликларни семантик майдондаги структур-семантик ва коммуникатив-прагматик воқеланишини тадқиқ этиш;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг концептуал танлаш шартлари, мезонлари, корпусини аниқлаш ва баён қилиш, турли образли фразеологизмлар доирасида вариант ёки синонимик муносабатларнинг ўзига хослигини изоҳлаш;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг маъно таркибини таҳлил қилиш ва таркибий қисмларнинг тавсифини баён этиш, инсоннинг ҳиссиётлари ва ташқи қиёфасини тавсифловчи фразеологик бирликларнинг фразео-семантик гуруҳларини аниқлаш;

образли фразеологик бирликларнинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, фразеологик бирликлар семантикаси ва инсоннинг ташқи кўринишини ифодаловчи ибораларнинг лингвокультурологик хусусиятларини белгилаш;

антропоцентрик фразеологизмларнинг тиллараро мослик турларини белгилаш, инсон қиёфасини ифодаловчи фразеологик эквивалентларни аниқлаш, аналоглари ва лакуналари, шунингдек, уларни таржима қилишнинг мумкин бўлган усулларини изоҳлаш ҳамда антропоцентрик фразеологик бирликларнинг идеографик тавсифи, уларнинг фразеосемантик аҳамиятини тушунтириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фразеологияга оид луғатлар, паремиологик луғатлар ҳамда замонавий ўзбек бадиий ва публицистик асарларидан тўпланган антропоцентрик фразеологик бирликлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини шахс эмотив-ҳиссиёти, ташқи кўринишининг турли жиҳатларини кўрсатадиган антропоцентрик фразеологик бирликлар идеографик тавсифи, уларнинг фразеосемантик аҳамиятини лингвопрагматик таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, семантик, систем-структурал, лингвокультурологик қиёслаш, компонент таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек халқининг маданий анъаналари, ментал хусусиятлари фразеологик бирликлар шаклланишига асос эканлиги изоҳланиб, антропоцентрик фразеологик бирликлар қиёсий, ўхшатиш бирликлари, троплар, метафорик таққослашлар, образларга асосланган бўлиши исботланган;

инсоннинг ҳиссиёти ва ташқи қиёфасини ифода этишдаги универсал тенденциялар, маданий стереотиплар, лакуналар антропоцентрик фразеологик бирликлар асосида қиёсланиб, фразеологик бирликларни англаб олиш учун умумлашган когнитив-прагматик баҳолаш тизими зарурлиги, уларнинг тилда намоён бўлиши далилланган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари инсоннинг ички эмотив-ҳиссиёти ва ташқи кўринишини характерловчи *қувонч, қайғу, ғазаб, қўрқув, нафрат, ҳайрат, қизиқиш, ҳаяжон, ажабланиш, азоб чекиш, қаҳр, уят, камситилиш* сингари эмоционал концептли фразеологизмлар асосида батафсил семантик тавсифи яратилган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг миқдори бошқа фразеологик бирликлардан кўра кўпчиликни ташкил этганлиги аниқланиб, улар айнан шахснинг фаолиятини образли ифодалаш мақсадида шаклланган тил бирлиги эканлиги асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари тилшунослик фанининг янги йўналишлари бўлган этнолингвистика, этнофразеология, этнолексикографияни илмий-назарий қарашлар билан бойитиш, ушбу соҳаларда янги тадқиқотлар ривожи учун ўзига хос илмий ёндашувларнинг юзага келишига хизмат қилиши кўрсатилган;

инсоннинг эмотив-ҳиссиёти ва ташқи кўринишини тавсифловчи фразеологик бирликлардан лингвопрагматик идрок этишни ўрганиш, тилларни ўқитиш амалиётида, дарслик яратиш ва назарий курсларни тузишда, филология, маданиятлараро алоқа, маданий тилшунослик, таржима назарияси, фразеология бўйича махсус курслар, битирув малака ишларини ёзишда, таржимонлар амалиётида, ҳар хил турдаги луғатларни тузишда кенг фойдаланиш мумкинлиги исботланган;

диссертация ўзбек тили антропоцентрик фразеологик бирликларини ҳудудий ёки умумий этнолексикографик планда ўрганувчилар учун муҳим манба бўла олиши асосланган ҳамда тил ва маданият масалаларини

ўрганувчи этнолингвистика, лингвокультурология, социолингвистика каби соҳалар бўйича дарслик ва қўлланмалар ёзишда фойдаланиш мумкинлиги далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилганлиги, илмий луғатлардан олинган материаллар этнофразеологик бирликлар табиатидан келиб чиқиб изоҳланганлиги, методик жиҳатдан мукаммаллиги, тадқиқот натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани, жаҳон тилшунослигининг янги йўналишлари ва таҳлилий усуллари асосида тадқиқ қилингани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фразеология, этнолингвистика, тил ва маданият алоқаларини ўрганувчи ёндош соҳалардаги илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда асос бўлиб хизмат қилиши билан, келтирилган материаллар этнофразеология, этнолингвистика, лексикография, тил ва маданият алоқасини ўрганувчи ёндош соҳаларда маълум илмий-назарий муаммоларни ҳал қилишда муҳим манба сифатида илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан ўзбек тилидаги антропоцентрик ибораларнинг лингвопрагматик тадқиқи бўйича яратиладиган дарслик, ўқув қўлланмаларини такомиллаштиришда, олий ўқув юртларининг бакалавр ва магистратура таълим йўналишлари учун фразеология, этнолингвистика, лингвокультурология, лексикография бўйича махсус курсларни ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилининг антропоцентрик фразеологик бирликларини лингвопрагматик тадқиқ қилиш жараёнида олинган илмий натижалар асосида:

ўзбек халқининг маданий анъаналари, ментал хусусиятлари фразеологик бирликлар шаклланишига асос эканлиги изоҳланиб, антропоцентрик фразеологик бирликлар қиёсий, ўхшатиш бирликлари, троплар, метафорик таққослашлар, образларга асосланганлиги тўғрисидаги хулосаларидан 5111400-Хорижий тил ва адабиёти йўналиши талабалари учун мўлжалланган “Тил аспектларини ўргатиш амалиёти компетенцияси”, “Нутқ малакалари интеграцияси” номли дарсликларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 майдаги № 285-111-сон, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги № 676-149-сон гувоҳномалари). Натижада фразеологик бирликлар иккита тилда таққосланганда уларнинг ўзига хослиги намоён бўлиши, инсоннинг ҳиссиёти ва ташқи қиёфасини ифода этишдаги универсал тенденциялар, шунингдек, маданий стереотиплар, лакуналар намоён бўлиши асосланган;

инсоннинг ҳиссиёти ва ташқи қиёфасини ифода этишдаги универсал тенденциялар, маданий стереотиплар, лакуналар антропоцентрик фразеологик бирликлар асосида қиёсланиб, фразеологик бирликларни англаб олиш учун умумлашган когнитив-прагматик баҳолаш тизими зарурлиги,

уларнинг тилда намоён бўлиши ҳақидаги илмий натижалардан Бухоро давлат университетида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф–1–06 “Истиқлол даври ўзбек адабиётида Шарқ Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусидаги фундаментал давлат лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2022 йил 10 мартдаги 884-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек тили ва адабиётининг ўзига хос лексик-грамматик хусусиятлари ва услубий имкониятларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг лингвопрагматик хусусиятлари инсоннинг ички эмотив-ҳиссиёти ва ташқи кўринишини характерловчи *қувонч, қайғу, ғазаб, қўрқув, нафрат, ҳайрат, қизиқиш, ҳаяжон, ажабланиш, азоб чекиш, қаҳр, уят, камситилиш* сингари эмоционал концептли фразеологизмлар асосидаги батафсил семантик тавсифи тўғрисидаги илмий хулосалардан Жиззах давлат педагогика институтида 2016-2017 йилларда олиб борилган МУЗ-2015-0725140051 “Бошланғич синф ўқувчиларининг нутқини бойитишда инглизча-ўзбекча-русча фраземалар луғатини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш” мавзусидаги амалий лойиҳасида фойдаланилган (Жиззах давлат педагогика институтининг 2022 йил 12 февралдаги 04-162-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида бадиий матнларда антропоцентрик ва лингвопрагматик мазмуннинг ифодаланиши ва ибораларнинг бадиий матнда лингвопрагматик қўлланиши ҳақидаги назарий хулосаларида ижобий самара берган;

антропоцентрик фразеологик бирликларнинг миқдори бошқа фразеологик бирликлардан кўра кўпчиликни ташкил этганлиги аниқланиб, улар айнан шахснинг фаолиятини образли ифодалаш мақсадида шаклланган тил бирлиги эканлиги ҳақидаги изоҳлардан Жиззах вилояти телерадиокомпанияси орқали “Диёр янгиликлари” информацион дастурини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Жиззах вилояти телерадиокомпаниясининг 2022 йил 14 апрелдаги 10-12/263-сон маълумотномаси) Натижада ушбу кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланган ва долзарблиги илмий-амалий аҳамият касб этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни юзасидан 20 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат бўлиб, 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, уларнинг эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Фразеология лингвистик фан сифатида”** деб номланган биринчи бобида жаҳон тилшунослигида, туркийшуносликда, жумладан, ўзбек тилшунослигида фразеология фанининг шаклланиши ва тараққиёти ҳамда айрим назарий масалалари, илмий, фразеографик тадқиқотлар тавсифи таҳлил қилинган. Мазкур бобда фразеологизмларнинг тил тизимидаги ўрни, фразеологиянинг фан ва тил бирлиги сифатидаги тушунчаларига тавсиф берилган ҳамда фразеологик объект ҳақидаги муаммоли ўринларга муносабат билдирилган. Эмоционал-экспрессив, баҳо-муносабат концептли фразеологик бирликлар, концепт моделининг назарий ва амалий масалалари изоҳланган.

Бобнинг биринчи фасли *“Фразеологиянинг лингвистик шаклланиш асослари”* мавзусига бағишланган. Ушбу фаслда фразеологияга фан ва тил бирлиги сифатида тавсиф берилган ҳамда фразеологик объект ҳақидаги муаммоли ўринларга муносабат билдирилган.

Ш.Раҳматуллаев ўзбек тили фразеологиясининг назарий масалаларини илмий тадқиқ этишни бошлаб, фразеологик бирликларнинг таркибий ва семантик турларини аниқлаган. Олим ўз асарларида В.В.Виноградовнинг фразеологик бутунлик, фразеологик чатишма, фразеологик қўшилма структурал-семантик таснифини ривожлантириб, уни ўзбек тилига татбиқ этган. У фразеологик бирликларни идиоматик бирикмалар, эркин ва турғун сўз бирикмаларига ажратган.

Ш.Раҳматуллаев “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли китоби[9]да В.Виноградовнинг таснифи асосида фразеологик категориянинг ҳажми ва чегарасини намоён этадиган фактик материаллардан фойдаланган ҳолда фразеологик полисемия, синонимия, антонимия, омонимия масалаларини батафсил изоҳлаб, фразеологик бирикманинг сўз-лексема, эркин бирикма ва боғланмалар билан ўзаро боғлиқлиги ва фарқли жиҳатлари, барқарор сўз бирикмаларининг синтактик таҳлилини амалга оширди.

Тилшунос Абдумурод Маматов ўзбек фразеологиясининг тил нормаси ва нутқ масалаларини илк бор тадқиқ этиб, фразеологик норманинг назарий

[9] Қаранг: Ш.Раҳматуллаев. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Т.: Фан, 1966. – 86 б.

асосларини яратди[10]. Б.Йўлдошев бадиий асарларда фразеологизмларнинг услубий имкониятларини таҳлил этди[11]. Ш.Усмонова ўзбек ва турк тили фразеологизмларининг қиёсий-чоғиштирма таҳлили[12]ни амалга оширди. Абдуғафур Маматов ўзбек фразеологик бирликларининг шаклланиш тамойиллари[13]ни илк бор тадқиқ этди.

Фразеологик бирлик икки ёки ундан ортиқ сўз (лексема)дан ташкил топади ва шаклланади. А.Маматовнинг фикрича, *ақлини емоқ, бурнини кўтармоқ* каби икки компонентли; *дўпписини осмонга отмоқ, мушугини "пишт" демаслик, мулла минган эшакдай* сингари уч компонентли; *усти ялтироқ, ичи қалтироқ, эти бизники, суяги сизники, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирмоқ* каби тўрт компонентли; *қоққанда қозиғи, осганда хурмачаси қолмади, текканга тегиб, тегмаганга кесак отмоқ* каби беш компонентли, *қуш учса-қаноти, одам юрса-оёғи куяди, оғзига оқ ит кириб, қора ит чиқади* сингари етти компонентли фразеологик бирликлар мавжудлиги кузатилади. Аммо тилимиздаги *саноат зонаси, компьютер лингвистикаси, матн таҳлили, дастурий таъминот, автоматик таржима, электрон луғат* каби эркин боғланмалар таркибий жиҳатдан икки ёки ундан ортиқ сўз (лексема)лардан ташкил топади. Лексик таркибнинг барқарорлиги фразеологик бирликлар учун ҳам, эркин бирикмалар учун ҳам характерлидир, аммо фразеологик бирликлар учун бу хусусият мутлақ эмас.[14]

Барқарор *дунёни сув босса, тўпиғига чиқмаслик, кўз уриштирмоқ, мулойим супурги бўлмоқ, Мусонинг аламини Исодан олмоқ* ва бошқа фразеологик бирликлар *лингвистик модел, арифметик жадвал, синтактик разметка* кўринишида эркин бирикмалар каби турғун таркиб ва семантик мазмун касб этади. Демак, фразеологик бирликларнинг турғунлик – барқарорлик белгиси ҳам асосий ва етакчи эмас. Фразеологик бирликлар такрорланувчанлик белгиси билан тавсифланади. Шуни таъкидлаш керакки, такрорланувчанлик тушунчаси барқарорлик тушунчаси билан боғлиқ.[15]

Фразеологик бирликлар эркин сўз бирикмаларидан фарқли ўлароқ, нутқда яратилмайди, балки сўзлар сингари шаклланади. *Мум тишламоқ, от билан туяча, сўзини қайтармоқ, таъзирини бермоқ, эти суягига ёпишмоқ* фразеологик бирликларининг яхлит ёки таркибий қисмлари сўзлашувчилар томонидан нутқ жараёнида шаклланмаган, балки синоним сўзлар сингари тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлади.

Ҳар қандай фразеологик бирлик, бошқа лингвистик бирликлардан фарқли ўлароқ, доимо образ асосига қурилган бўлади, чунки фразеологик бирликлар образлар асосида пайдо бўлади. Буни фразеологик бирликларни

---

[10] Маматов А.Э.Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. АДД. Ташкент, 1991. – 45 б.
[11] Йўлдошев Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. ДДА.-Тошкент,1993. – 50 б.
[12] Усмонова Ш. Ўзбек ва турк тилларида соматик фразеологизмлар. НДА. – Т., 1998. – 46 б.
[13] Маматов А.Э. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари. ДДА. – Т., 2000. – 50 б.
[14] Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фан. д-ри. дис.автореф. – Т., 2000. – 56 б.
[15] Рўзиқулова М. Ўзбек тилида идиомалар: Филол. фан. ном. дис... автореф. – Т., 1966. – 20 б;

бошқа сўзлар ёки иборалар билан таққослаганда кўриш мумкин. *Илоннинг оёғини санаган, калласининг қатиғини чиқариб юбормоқ, оёғини осмондан келтирмоқ, оғзидан бол томади* фразеологизмлари *–шум, муғомбир, қўрқитмоқ, йиқитмоқ, ширинкалом* сўзларига нисбатан образли эканлигини англаш мумкин. Образлилик фразеологик бирликларнинг асосий ва етакчи белгиси ҳисобланади.

Фразеологик бирликларнинг энг асосий хусусияти семантик транспозитивлик, яъни фразеологик бирлик яхлитлигича ёки таркибий қисмларининг семантик қайта шаклланишидир. Агар фразеологик бирликлар қайта шаклланган маънога эга бўлмаса, унда фразеологизмни лисоний ҳодиса деб бўлмайди. Фразеологик бирликларнинг таркибий қисмлари тўлиқ ёки қисман қайта семантик шакллантирилади. *Катта оғиз, онасини Учқўрғондан кўрсатмоқ, туёғини шиқиллатмоқ, оғзига талқон солмоқ* ва бошқа кўплаб фразеологик бирликлар тўлиқ қайта семантик шаклланган бирликлардир. Фразеологик бирликлар таркибий қисмларидан фақат биттаси кўчма маънода қўлланилиб, бошқа компонент эса бевосита ўз маъносида қўлланиладиган бирликларга *оғзининг таноби қочди, кўзи тўрт бўлмоқ, гапга эргашмоқ, гапидан илон пўст ташлайди* кабиларни киритиш мумкин. Фразеологик бирликларнинг асосий хусусиятлари – образлилик ва семантик қайта шаклланишдир. Шу маънода фразеологик бирликлар семантик ҳодисадир.

Ушбу диссертация антропоцентрик йўналиш: лингвистик ва маданий ёндашувларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилган, чунки таҳлил таркибида ҳиссиётлар ва инсоний фазилатларни тавсифловчи фразеологик бирликларнинг структуравий, семантик хусусиятлари, образлилиги, ўзига хослиги ифода этилган.

“Фразеологик бирликларнинг вариацияси” номли фаслда вариантланишнинг семантик майдон доирасида ўрганилиши назарда тутилган. Вариантланиш ўзбек тили фраземаларининг энг муҳим ўзига хос хусусияти бўлиб, “Фразеологик бирликларда вариантланиш бошқа тил бирликларига нисбатан кучли”[16] тарзда юз беради ҳамда ўзбек тили фразеологик фондини бойитувчи муҳим манбалардан биридир. Фразеологик вариантланиш умумтил фраземалари асосида юзага келади ва улар маълум фраземага асосланади ёки тилда мавжуд бўлган фраземалардан ўсиб чиққан бўлади. Фразеологик вариантланиш ўта маҳсулдор бўлиб, аксарият антропоцентрик фраземаларнинг варианти мавжуд. Фразеологик вариантланиш а) ўзгаришлар асосида бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлиши, барчаси бир манбага бирлашуви; б) асосида айни бир образнинг ётиши; в) айни бир луғавий маънони англатиши; г) ўзаро ўсиб чиққан вариантлар таркибида муштарак сўз-компонентнинг бўлиши талаб этилади[17]. Фразеологик вариантланиш семантик майдон доирасида ўрганилди. Антропоцентрик фразеологик вариантлар тушунчаларни бир образ ёки бир-бирига яқин образлар ёрдамида ифодалайди. Масалан, *кўнгли тоза*

[16] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 13 б.
[17] Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978. – 13 б.

фраземасининг *юраги тоза, кўнгли пок, юраги покиза, юраги соф, қалби пок* каби вариантлари; *оқ кўнгил* каби синонимлари мавжуд. Ёки *кўнгли тортди* фраземасининг *кўнгил тортар, дил тортар* каби вариантлари бўлиб, *хуш кўрмоқ* синоними мавжуд. *Боши осмонга етди - боши кўкка етди, қувончи ичига сиғмайди - қувончи танига сиғмайди, кўнгли тоғдай кўтарилди - кўкраги тоғдай кўтарилди* ва бошқалар.

Ўзбек тилида фраземалар таркибида компонентни алмаштириб қўллаш асосида фразеологик вариантлар шаклланади: Масалан, *боши осмонга етди - боши кўкка етди, қувончи ичига сиғмайди - қувончи танига сиғмайди, кўнгли тоғдай кўтарилди - кўкраги тоғдай кўтарилди, Воз кечмоқ - баҳридан ўтмоқ, гапни бир жойга қўймоқ - тил бириктирмоқ, гарданига юкламоқ - бўйнига қўймоқ, дами чиқмади - мум тишлаб қолмоқ, димоғи чоғ бўлди - кўнгли очилди, ёқасини ушламоқ - ҳайрон қолмоқ* каби фраземаларда эса маъно сақланган ҳолда барча компонентлар алмаштирилади. Биринчи туркумда фразеологик вариантлар, иккинчи туркумда фразеологик синонимлар шаклланади. Кўринадики, бунда образлар ва лексик таркибнинг турличалиги уларни бир-биридан фарқлайди.

Фразеологик бирликлар синонимияси ва антонимияси фаслида фраземалар синонимияси ва антонимияси таҳлил этилган. Фразеологик бирликлар синонимиясида ҳар бир синоним фразема турли образларда шаклланади ва уларда умумий сўз-компонент бўлмайди. Синоним фраземалар умумтил фраземалари асосида эмас, балки тил фразеологик шаклланиш тизими асосида, турли доираларда, лисоний ва нолисоний омиллар таъсирида юзага келади. Фразеологик синонимлар айнан ёки бир-бирига яқин тушунчаларни турли образлар ёрдамида ифодалайди.

Воз кечмоқ - баҳридан ўтмоқ, гапни бир жойга қўймоқ - тил бириктирмоқ, гарданига юкламоқ - бўйнига қўймоқ, дами чиқмади - мум тишлаб қолмоқ, димоғи чоғ бўлмоқ - кўнгли очилмоқ, ёқасини ушламоқ - ҳайрон қолмоқ каби фраземаларда маъно сақланган ҳолда барча компонентлар алмаштирилади ва фразеологик синонимлар шаклланади. Бир тузилишли фразеологик синонимлар – синоним фразеологик бирлик тўлиқ мос келадиган тузилишга эга.

Синоним иборалар лексик таркибида бирор компонент айни бир сўз билан ифодаланган бўлиши мумкин. Аммо бунда иборалар таркибидаги бошқа-бошқа сўз билан ифодаланган компонентлар ўзаро синоним бўлмаслиги шарт. Акс ҳолда бир иборанинг вариантларига тенг бўлади. Масалан, *жон(и)ни ҳовучлаб* ва *юраг(и)ни ҳовучлаб* – синоним иборалар: бир лексик компоненти айни бир сўз билан ифодаланган, иккинчи лексик компоненти эса бошқа-бошқа сўз билан ифодаланган ва булар ўзаро синоним эмас. *Кўнгл(и)га тугмоқ* билан *юраг(и)га тугмоқ* ўзаро бир иборанинг вариантларига тенг, чунки бир лексик компоненти айни шу сўзнинг ўзи, иккинчи лексик компонентлари эса ўзаро синоним.[18]

[18] Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Т., 1978. – 7 б.

Фразеологик бирликлар антонимиясида антонимларнинг энг муҳим семантик хусусиятлари, қарама-қарши маъно ифодалашнинг семантик умумийлиги, лексик ва фразеологик антонимлар тушунчалари таҳлил этилган. Айрим тилшунос олимлар антонимларнинг мажбурий белгисини қисман мослик деб атайди. Аммо антонимларнинг асосий маъно хусусиятлари мазмун қарама-қаршилиги ва семантик яхлитлигидир. Фразеологик антонимия лексик антонимияга нисбатан кам ўрганилган ҳодисадир.

Барча лексик компонентлари бошқа-бошқа сўзлар билан ифодаланган иборалар орасидаги антонимияни белгилаш осон: *савол бермоқ* ва *жавоб қайтармоқ*; *ерга урмоқ* ва *кўкка кўтармоқ* каби. Биринчи антонимлар таркибидаги ҳар икки сўз-компонентлар, иккинчи антонимлар таркибидаги биринчи сўз-компонентлар ўзаро антоним. Қуйидаги антоним иборалар таркибида қатнашган биринчи лексик компонентлар – айни бир сўзнинг ўзи, иккинчи лексик компонентлар эса антоним сўзлар: *юраг(и) кенг* ва *юраг(и) тор*. Бошқа бир мисол: *кўнгл(и) жойига тушди* ва *юраг(и)га ғулғула тушди*. Бу антоним иборалар таркибидаги лексик компонентларнинг учинчиси айни бир сўз, биринчиси ўзаро синоним, иккинчиси эса ўзаро маъно-муносабати ҳосил қилмайди. Кўринадики, антоним иборалар таркибидаги антоним сўз-компонентлар бу ибораларнинг ўзаро антоним бўлишида муҳим роль ўйнайди, аммо барча антоним иборалар таркибида антоним сўз-компонентлар қатнашавермайди. Антонимия иборадан яхлитлигича англашиладиган луғавий маъно асосида белгиланади.[19]

Диссертациянинг иккинчи боби **“Антропоцентрик фразеологик бирликларда эмоционал-экспрессив концепт тадқиқи”** деб номланган. Бобнинг *“Эмотив-экспрессивликнинг лингвистик асослари”* номли биринчи фаслида фразеологик бирликларнинг эмоционал-экспрессив имкониятлари, лингвистик-коммуникатив табиати, тил жараёнига ҳиссий-эмоционал, ҳиссий-экспрессив алоқа жараёнини бойитиш функцияси тадқиқ этилган.

Эмоционал-ҳиссийлик, экспрессивлик, баҳо-муносабат, услубийлик замонавий ўзбек тилининг кўплаб фразеологик бирликларига хосдир. Жумладан, *боши осмонга етди, кўнгли тоғдай кўтарилди, севинчи ичига сиғмайди, дўпписини осмонга отмоқ* ва б. инсоннинг ҳолати, қувонч, завқ каби бир қатор ҳиссиётларини ифодалайди. *Кўзлари қинидан чиқиб кетди, кўзига қон тўлди, тепа сочи тик бўлиб кетди*[20] ва б. шахснинг ғазабланиш, норозилиги ҳиссий ҳолатини ифодалайдиган фразеологик бирликлардир.

Ҳозирги ўзбек тилида фразеологик иборалар инсоннинг ҳиссий ҳолатини ифодалайди: *оғзи қулоғига етди, терисига сиғмай кетди, қўйи мингга етди, қувончи оламга сиғмайди*[21] ва бошқалар. Ўзбек тилидаги ушбу фразеологик-семантик гуруҳ одамнинг қувониш, қувноқ ҳолатини ифодалаш учун ишлатилади. Бундай фразеологик бирликларнинг лексик эквиваленти - **қувонч** лексемасидир.

---

[19] Рахматуллаев Ш.Кўрсатилган луғат. – Т., 1978. – 8. б.
[20] Рахматуллаев Ш.Кўрсатилган луғат. – Т., 1978. – 226 б..
[21] Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 116 б.

Бошқа бир фразеологик-семантик гуруҳ шахснинг ғазабланиш, норозилик ҳиссий ҳолатини ифода этади: *кўзларининг пахтаси чиқди, ғазаби қайнади, кўзи қонга тўлди, тепа сочи тик бўлиб кетди*[22] кабиларнинг лексик эквиваленти **ғазабланиш**дир.

Ажабланиш, саросимага тушиш ҳолатини ифодалайдиган фразеологик-семантик гуруҳни ҳам алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин: *оғзи очилиб қолмоқ, ёқасини ушламоқ, тарвузи қўлтиғидан тушди*[23] фразеологик бирликларининг лексик эквиваленти **ажабланмоқ** лексемасидир.

Бобнинг *"Ҳиссий-эмоционал олам концептларининг тадқиқи"* деб номланган иккинчи фаслида ҳиссий-эмоциянинг тилдаги акси, инсон психологияси ўрганилади, улар базавий ва периферияга ажратилади. Эмоцияларнинг конкрет номинантлари, уларнинг семасиологик статуси, тилда эмоция номинантларининг қўлланилиши ва ассоциация индекси баён этилган. Антропоцентрик фразеологик бирликлар *қувонч, қайғу, ғазаб, қўрқув, нафрат, ҳайрат, лаззатланиш, қизиқиш, ҳаяжон, ажабланиш, азоб чекиш, ғазаб, қаҳр, уят, камситилиш* каби асосий базавий эмоциялар доирасида таҳлил этилади.

Қувонч ҳолатини англатувчи тана аъзоларининг ҳолатини образли ифодалаш асосида: *боши кўкга етди, бошини кўкка етказмоқ – беҳад севинииш, қувонч* билан боғлиқ вазиятни, ҳолатни ифодалайди. Варианти: *боши осмонга етмоқ - бошини осмонга етказмоқ,* синоними: *терисига сиғмай кетмоқ, оғзи қулоғида, оғзи қулоғига етди, оғзининг таноби қочди, қўйи мингга етди, боши осмонда* каби фразеологик бирликлар инсоннинг ниҳоятда хурсандлигини, инсоннинг қувончини образли тарзда ифодалайди. Варианти: *боши кўкда*, синоними: *оғзи қулоғида, дўпписи осмонда. Раҳбар қабулидан нима учундир оғзи қулоғига етиб чиқди. (*Асад Дилмурод. Кўчки) *Ўғил фарзанддан Мансурнинг оғзи қулоғига етиб қувониб юрди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё) *Имтиҳондан ўтиб паттани қўлга олганидан оғзи қулоғига етиб, ўзини қўярга жой тополмасди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат)

Ҳозирги ўзбек тилида турли хил ҳайратни ифодаловчи фразеологик бирликлар кенг қўлланади. Улар инсоннинг ҳолатини, кутилмаган ғайриоддий ҳодисага муносабатини ёки ҳиссий ҳолати ва ҳаракатларини баҳолашни, шунингдек, баъзи ҳолларда ҳодисанинг ўзини баҳолашни назарда тутади. Бундай фразеологик-семантик майдон таркибига *оғзи очилиб қолмоқ, ёқасини ушламоқ, оёғи остидан чиқиб қолмоқ, ўзини қўярга жой тополмай, ҳайратда қолмоқ, тарвузи қўлтиғидан тушмоқ, ҳан-манг бўлиб қолмоқ* ва бошқа ҳайратланишни ифодаловчи фразеологик бирликлар киради. *Одил ака тарвузи қўлтиғидан тушган кишидай ҳанг-манг бўлиб қолди.* (Улуғбек Ҳамдам. Мувозанат) *Чор-ночор қолган Мансур дўстининг турар адреси ва янги фамилиясини олиб, тарвузи қўлтиғидан тушиб чиқди.* (Т.Жўраев. Бозор дунё)

---

[22]Рахматуллаев Ш.Кўрсатилган луғат. – Т., 1992. – 223 б.
[23] Рахматуллаев Ш.Кўрсатилган луғат. – Т., 1992. – 97 б.

Инсоннинг хавотирли ҳолатини акс эттирувчи фразеологик бирликлар: *ўтиргани жой тополмаслик (ўзи учун жой тополмайди), ўзини қўйгани жой тополмаслик - жизғанаги чиқмоқ, кўнгли ғаш (нотинч), юраги ғаш (безовта), кўнгли хира (нотинч кўнглининг бир чеккаси ғаш (нотинч), юрагини тирнамоқ (ҳаяжон, хавотир, азоб), кўзи тўрт бўлмоқ (безовта кутиш), ичи ғаш (ҳаяжон, безовталик), юрагига ғулғула тушмоқ, юрагига ғулғула солмоқ (ичкиликбозлик, ҳаяжон), юраги така-пука (хавотир, қўрқув), юраги қушдай типирчиламоқ (қўрқинчли, титроқ ҳаяжон), оёғи куйган товуқдай (кучли хавотир), тоқати тоқ бўлмоқ (ҳаддан ташқари ҳаяжон)* ва бошқалар[24]. Инсоннинг хавотирли ҳолатини акс эттирувчи фразеологик бирликлар: *ўтиргани жой тополмаслик (ўзи учун жой тополмайди), ўзини қўйгани жой тополмаслик - жизғанаги чиқмоқ, кўнгли ғаш (нотинч), юраги ғаш (безовта), кўнгли хира (нотинч кўнглининг бир чеккаси ғаш (нотинч), юрагини тирнамоқ (ҳаяжон, хавотир, азоб), кўзи тўрт бўлмоқ (безовта кутиш), ичи ғаш (ҳаяжон, безовталик), юрагига ғулғула тушмоқ, юрагига ғулғула солмоқ (ичкиликбозлик, ҳаяжон), юраги така-пука (хавотир, қўрқув), юраги қушдай типирчиламоқ (қўрқинчли, титроқ ҳаяжон), оёғи куйган товуқдай (кучли хавотир), тоқати тоқ бўлмоқ (ҳаддан ташқари ҳаяжон)* ва бошқалар. *Ўтиргани жой тополмаслик* фразеологизми сўзлашув ва кундалик характердаги нотинч одамнинг ҳиссий ҳолатини ифодалайди. Масалан: *Ўтиргани жой тополмай жизғанаги чиқиб юрганида манави каллакесар пайдо бўлиб қолди*. (Асад Дилмурод. Кўчки)

Қўрқув эмоционал концептининг синонимик қаторини “ваҳима”, “даҳшат”, “ваҳшат” сўзлари ташкил этади. Қўрқув маъносини англатувчи фразеологик бирликлар қуйидаги семантик моделларга ажратилди: қўрқувни англатувчи тана аъзолари ҳолати ифодаси: *юрагини олиб қўймоқ, юраги чиқиб кетди, юраги орқага тортиб кетди, юрагини ёрмоқ, юрагини ҳовучлаб* ва ҳ.к. Қўрқувни англатувчи тана аъзолари фаолияти ҳолати: *нафаси ичига тушиб кетди*, *юраги пўкиллаб урмоқ*, *юраги така-пука*, *юраги шув этиб кетмоқ* ва ҳ.к. Қўрқувни англатувчи юз ифодаси: *қути ўчмоқ, юзи докадек оқариб кетди, ранги қув ўчди* ва ҳ.к. Қўрқувни англатувчи тана аъзолари ҳолати: *тили танглайига ёпишиб қолмоқ*, *тили айланмай қолмоқ, кесак бўлиб қолмоқ*, *кўнгли муз бўлиб кетмоқ, совуқ тер босмоқ* ва ҳ.к. Шунингдек, бошқа ҳолатлар: *лабига учуқ тошмоқ, қора терга тушмоқ, эси чиқиб кетмоқ, қўрққанга қўш кўринар, ичи ўтиб кетмоқ* ва ҳ.к. Масалан: *Омонгулнинг нафаси ичига тушиб кетди*. (М.Маҳмудов. Оқ гул) *Ҳамширанинг ранги қув ўчиб, тили айланмай қолди*. (Зулфия Қуролбой қизи. Аёл)

Ғазаб эмоционал концептни ифодаловчи “*қаттиқ аччиқланиш, қаҳр*” маъносини англатувчи сўздан келиб чиққан. Шу билан бирга қаҳр – “*мажбур қилиш, зўрлик қилиш*” маъносини ҳам англатади. Номақбул хатти-ҳаракатга ёки воқеа-ҳодисага қарши кучли даражада қўзғалган ҳис-туйғу ва шундай ҳис-туйғунинг ифодаси. *Жаҳл, аччиқ, қаҳр, зарда* лексемалари ғазаб лексемаси синонимлари ҳисобланади. Ғазаб ҳолатини англатувчи юз ранги ва

[24] Рахматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Т., 1992. – 116 б.

қиёфа образи: *қовоғидан қор ёғмоқ, ранги бўзариб кетмоқ* ва ҳ.к. Ғазаб ҳолатини англатувчи аффект ҳолатининг ифодаси: *жазаваси тутиб оғзидан кўпиклар сочмоқ* ва ҳ.к; ғазаб ҳолатини англатувчи инсон қони қайнаш жараёни ифодаси: *қони қайнамоқ, зардаси қайнамоқ;* ғазаб ҳолатини англатувчи ҳолат образи: *нафаси бўғзига тиқилмоқ, кўзи олаймоқ* ва ҳ.к; ғазаб ҳолатини англатувчи ўхшатиш ифодаси: *сочлари типпа-тик бўлиб кетмоқ.* Ғазаб ҳолатини англатувчи кўз соққаларининг кенгайиши ифодаси: *кўзларининг пахтаси чиқмоқ, кўзлари қинидан чиқиб кетаёзмоқ, кўзи ёнмоқ* ва ҳ.к.: *Маъруфбой Афзалович йўлга чиқаётганларида жуда ғазабга минган, Ниёз Ғиёсович учраб қолгудек бўлса ғажиб ташлайдиган бир аҳволда эди. Шамси шунга маҳтал эди, бирдан жазаваси тутиб, оғзидан кўпиклар сочди: «Кет-чи, кет!» деб Солижонни итариб ташлади.* (Асад Дилмурод. Кўчки)

Диссертациянинг учинчи боби “**Баҳо-муносабат ифодаловчи антропоцентрик фразеологик бирликларда эмоционал концепт тадқиқи”** деб номланган. Ушбу бобда инсоннинг хусусиятларини ифодаловчи эмоционал-баҳоловчи фразеологик бирликларнинг семантик ва услубий хусусиятлари очиб берилади. Бундай фразеологик бирликлар замонавий ўзбек тилида анча кенг тарқалган, улар, кўпинча, бадиий асарлар тилида қўлланилади. Эмоционал-баҳоловчи фразеологик бирликлар бошқа фразеологик бирликлардан стилистик ранг бериши билан ажралиб туради.

Бобнинг *“Инсоннинг ижобий фазилатларини ифодаловчи эмоционал-баҳо концептли фразео-семантик моделлар”* фаслида ижобий эмоционал баҳо ва муносабат билдирувчи фразеологизмлар, инсонлардаги ижобий характерларни, уларнинг сифат кўринишларини эмоционал-экспрессив тарзда ифодалайдиган антропоцентрик фразеологик бирликлар тадқиқ қилинган.

Кишилардаги *самимиятлик, ботирлик, дадиллик, ҳалоллик, поклик, содиқлик, фидокорлик, ақллилик, зеҳнлилик, фаоллик, қатъиятлилик* каби ижобий фазилатларни ифодаловчи фразеологизмлар ифода-мақсадига кўра фразео-семантик моделларга ажратилган.

